



PROSPECTS FOR IMPLEMENTING INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN JOINT-STOCK COMPANIES IN UZBEKISTAN

Valijonov Akmal

Centre for research of problems
in privatization and state assets management

Turgunova Fatima

Tashkent International University of Chemistry
Master 2nd year

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14644581>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2025

Accepted: 13th January 2025

Online: 14th January 2025

KEYWORDS

Joint-stock company,
transformation, reform, financial
reporting, international
standards, charter fund,
ownership.

ABSTRACT

The article covers the history, content and essence of the formation of international financial reporting standards. The work examines the main tasks of transforming joint-stock companies with state participation, including the issue of implementing international financial reporting standards in them, and draws conclusions based on the research results.

ЎБЕКИСТОНДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Валижонов Акмал

Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш маркази бўлим мудир

Турғунова Фотима

Тошкент халқаро кимё университети. 2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14644581>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2025

Accepted: 13th January 2025

Online: 14th January 2025

KEYWORDS

Акциядорлик жамияти,
трансформация, ислох қилиш,
молиявий ҳисобот, халқаро
стандартлар, устав фонди,
мулк.

ABSTRACT

Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг шаклланиш тарихи, мазмуни ва моҳияти ёритилган. Ишда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифалари аниқланган, шу жумладан уларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш масаласи тадқиқ этилган ва тадқиқот натижалари бўйича хулосалар олинган.

КИРИШ

Акциядорлик жамиятлари тадбиркорлик субъектларининг кенг тарқалган шаклларида бири бўлиб асосан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида фаолият олиб борадилар. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши асосан хусусийлаштириш жараёнлари билан бир даврда бошланди. Мустақиллик йилларида



давлат мулкани ва корхоналарини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга бир қатор йирик хўжалик жамиятларида давлат улуши ҳамон юқори даражада сақланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш масаласида қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: "...иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда" [1]. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларини ислоҳ қилиш ва уларни бозор механизмларига трансформация қилишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини турли мамлакатларда жорий этиш масалалари ва улар билан боғлиқ муаммолар хорижий олимлардан Laili N. H. [2], Sucher P., Jindrichovska I. [3], Taylor D. W. [4], Tsalavoutas I., Evans L. [5], Димитриева И.М. [6], ушбу соҳада илмий изланишлар мамлакатимиз тадқиқотчиларидан Бобобеков Б.К. [7], Ташназаров С.Н. [8] ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Тадқиқот давомида илмий, қиёсий ва эксперт таҳлил ҳамда баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилди.

НАТИЖА ВА МУҲОКМАЛАР

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнининг чуқурлашиши ва трансмиллий компанияларнинг ривожланиши молиявий ҳисоботларни барча манфаатдор томонлар, шу жумладан халқаро инвесторлар учун ҳам тушунарли тарзда шакллантириш заруратини вужудга келтириди. Ушбу вазифани ҳал этиш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) яратиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Молиявий ҳисобот стандартлари бўйича халқаро қўмита (МҲСХҚ) 1973 йилда Австралия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Ирландия, Канада, Мексика, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Япониядаги бухгалтерлар ва аудиторларнинг профессионал уюшмалари ва органлари ўртасидаги келишув натижасида ташкил этилган. МҲСХҚ Лондонда фаолият юритади ва хусусий сектор органи сифатида рўйхатдан ўтган. 1983 йилдан бошлаб Халқаро бухгалтерлар федерациясига аъзо бўлган барча профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмалари МҲСХҚга аъзо бўлди. МҲСХҚнинг мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда қўлланилиши керак бўлган бухгалтерия ҳисоби стандартларини жамият манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқиш ва нашр этиш ҳамда уларнинг кенг қўлланилиши ва мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Қўмита молиявий ҳисоботларини тақдим этишнинг давлат томонидан белгиланган талаблари билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва тартибларини такомиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш бўйича доимий иш олиб боради.



Йиллар давомида МҲХС ва уни шакллантириш методологияси такомиллашиб бормоқда. Ўтган асрнинг 90 йилларига келиб МҲХС дунё молиявий бозорларида муҳим аҳамият касб эта бошлади [9].

Сўнги йилларда Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида МҲХСни жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши белгиланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда МҲХСни жорий этиш бўйича асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган (1-жадвал).

1-жадвал. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда жорий этишнинг ҳуқуқий асослари

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи	МҲХСга тааллуқли асосий қисмлари
1.	Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни	Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (2-модда); бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонунчиликда белгиланган тартибда қўллаши мумкин (10-модда); халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади (22-модда).
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори	МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил етувчи акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларнинг белгиланиши; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланиши ва унинг соҳага доир асосий вазифалари; молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усуллари босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси».
3.	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқланиши;



	“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтириш матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 507-сонли қарори	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига низомни амалиётда қўллашни амалга ошириш бўйича ташкилий вазибаларнинг белгиланиши.
4.	Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида” буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022-йил 9-декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3400)	Ўзбекистонда қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнлари.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги ҳисоботларнинг умумий шаклларида иборат бўлади:

бухгалтерия баланси — 1-шакл;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шакл;

пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот — 4-шакл;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот — 5-шакл;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Ўзбекистонда қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнлариги асосан хўжалик юритувчи субъектлар МҲХС бўйича қуйидагиларни эълон қилишлари керак:

молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандарлари ўртасида кескин фарқлар йўқ. МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия балансига яқинроқ бўлса, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот эса молиявий натижалар тўғрисидаги



ҳисоботга мосроқ келади. Шу билан бирга ушбу ҳисоботларни шакллантириш услубларида фарқлар мавжуд.

Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформация қилишда кейинги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қаторига соҳага доир қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллаш жараёнида аниқланадиган камчиликлар асосида қонунчиликни такомиллаштириб боришни киритиш мумкин.

Сўнги йилларда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларини ислоҳ қилиш ва трансформациялашга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6096 сонли Фармони билан трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатга 32 та давлат иштирокидаги корхоналар киритилган бўлиб, улардан 22 таси хўжалик жамиятлари ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларини трансформация қилишда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири бу уларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишдир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш акциядорлик жамиятларига қуйидаги имкониятларни беради:

инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш;

молиявий ҳисоботнинг ишончлийдигини ошириш.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш ва уларда МҲХСни жорий этиш :

-операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини оширади;

-молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ юритилишини таъминлайди;

-замонавий бошқарувни, шу жумладан барча томонлар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиради;

-корхонанинг инвестицион жозибadorлигини оширади;

-иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини ва бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади;

-акциядорлик жамиятларида ахборотни ошкор қилиш тизимини такомиллаштиради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь <https://president.uz/view/4057>.



2. Laili N. H. IFRS Adoption and Organisational Change — Evidence from Malaysia // Journal of law and financial management. 2008. Vol. 7. № 2. Pp. 8—17.
3. Sucher P., Jindrichovska I. Implementing IFRS: A Case Study of the Czech Republic // Accounting in Europe. 2004. Vol. 1. № 1. Pp. 109—136.
4. Taylor D. W. Costs-benefits of adoption of IFRSs in countries with different harmonization histories // Asian Review of Accounting. 2009. Vol. 17. № 1. Pp. 40-55.
5. Tsalavoutas I. , Evans L. Transition to IFRS in Greece: financial statement effects and auditor size // Managerial Auditing Journal. 2010. Vol. 25. № 8. Pp.814-829.
6. Дмитриева И.М. Перспективы внедрения международных стандартов финансовой отчетности в национальные учетные системы. *Мир новой экономики*. 2016;10(3), с. 62-65.
7. Бобобеков Б.К. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида товар моддий захираларнинг ҳисобини ташкил этиш методологияси// Иқтисодиёт ва таълим / 2022,1-сон.
8. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти// Иқтисод ва молия /2016, 7-сон.
9. Поленова С.Н. Отечественная система регулирования бухгалтерского учета в период перехода к рыночным отношениям // Международный бухгалтерский учет.- №13.-2011.-с.16.